

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2025 йил январь ойининг 7 куни Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси ўз биносига, фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро суди билан видеоконференцалоқа режимида ўтказилган очик суд мажлисида, раислик қилувчи - вилоят судининг судьяси И.Абраев, ҳайъат судьялари М.Маликов ва К.Назаровдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ж.Убайдуллаевнинг котиблигида, томонлардан вилоят прокуратурасининг бўлим катта прокурори М.Чориев, судланган Ф.С..нинг ҳимоячиси адвокат М.Ачилдиеванинг иштирокида, судланган Ф.С..нинг кассация тартибидаги шикоятини жиноят иши материаллари асосида текшириб чиқиб, куйидагиларни

а н и қ л а д и :

Жиноят ишлари бўйича Ангор туман судининг 2024 йил 18 январдаги ҳукмига кўра,

С.Ф.С., 1980 йил 29 сентябрь куни Самарқанд вилояти Самарқанд туманида туғилган, миллати тожик, ўзбек тилини яхши билади, таржимон хизматига муҳтож эмас, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, тўрт нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман судининг 03.03.2023 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми «а» банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 62-моддасига асосан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 9 ой 12 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган, жазони ўтамаган, Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, «Даштаки боло» маҳалласи «Дехнав» қишлоғида яшайди, унга иш бўйича 23.11.2023 йилда «қамокқа олиш» тартибдаги эҳтиёт чораси қўлланган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган олганга нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисмиг “б” банди билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 баравари (330.000x300) яъни 99.000.000 сўм жарима жазоси тайинланиб, ЖКнинг 62-моддаси тартибида уни 23.11.2023 йилдан 18.01.2024 йилга қадар 1 ой 25 кун қамокда сақланган ҳар бир куни, базавий



ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмига базавий ҳисоблаш миқдорининг 27,5 бараварига тенглаштириб, жаримадан чегириб, ўташ учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 272,5 баравари (330.000х272,5) яъни 89.925.000 сўм жарима жазоси қолдирилган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси тартибида, жиноят ишлари бўйича Учқуприк туман судининг 03.03.2023 йилдаги ҳукми билан тайинланган 3 йил ахлоқ тузатиш иши жазосининг ўталмаган қисми яъни 2 йил 1 ой 12 кун ахлоқ тузатиш иши жазоси ва базавий ҳисоблаш миқдорининг 272,5 баравари (330.000х272,5) яъни 89.925.000 сўм жарима жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ф.С.. ўзининг ғараз ва бошқа паст ниятлари билан фирибгарлик йўли билан текиндан бойлик орттириш мақсадида, 2023 йил 1 апрель куни Ангор тумани “Баҳор” ҳамда “Илғор” маҳалласи ҳудудида истиқомат қилувчи фуқароларнинг томорқасида етиштирилган қарам, лавлаги (қизилча) ва бошқа полиз маҳсулотларини сотиб олиб, Россия Федерациясига олиб бориб сотишлик учун юк автомашинасини олиб келиб, Ангор тумани “Илғор” маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Ж.А..га ушбу юк автомашинасининг юкхонасига божхона кўриги вақтида фойдаланидиган тахтадан йўлакча қилиб, беришлигини, йўлакча қилишда кетган тахтасининг пуллари ва хизмат ҳақларини полиз маҳсулотларини Россия Федерациясига олиб бориб сотиб келгандан сўнг беришлигини ваъда қилиб, Ангор тумани ҳудудида истиқомат қилувчи фуқароларнинг қарам, лавлаги ва бошқа полиз маҳсулотларини насияга олиб Россия Федерациясига олиб бориб, сотиб фойда кўрган бўлса-да, А.Жумаевга келишилган жами 2.000.000 сўм пуллари бериб бермасдан қасддан фирибгарлик жиноятини содир этган.

Ф.С.. жиний ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилмасдан қолганидан фойдаланиб, фирибгарлик йўли билан бойлик орттиришни мақсад қилиб, ўзининг олдиндан ўйланган режаси асосида, 2023 йил апрель ойининг бошларида Ангор тумани “Баҳор” маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро А.Г. нинг ишончига кириб, ундан томорқасида етиштирган қарам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жами 3.023.000 сўмга келишиб насияга олиб, ундан олган қарам маҳсулотларини Россия Федерациясига олиб бориб юқори нархларда сотиб, пуллари 2023 йил 25 май кунига қадар беришлигини айтиб, фуқаро Г.А..дан олган қарам маҳсулотларини тўлиқ сотиб даромад кўрган бўлса-да, унга келишилган пуллари бериб бермасдан ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Ф.С.. жиний ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилмасдан қолганидан фойдаланиб, фирибгарлик йўли билан бойлик орттиришни мақсад қилиб, ўзининг олдиндан ўйланган режаси асосида, 2023 йил апрель ойининг бошларида Ангор тумани “Илғор” маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Х.А..нинг ишончига кириб, ундан томорқасида етиштирган қарам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жами 6.326.000 сўмга келишиб насияга олиб, ундан олган қарам маҳсулотларини Россия Федерациясига олиб бориб юқори нархларда сотиб, пуллари 2023 йил 25 май кунига қадар беришлигини айтиб, фуқаро А.Х..дан олган қарам



махсулотарини тўлиқ сотиб даромад кўрган бўлса-да, унга келишилган пулларини бермасдан ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Ф.С.. жиноий ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилмасдан қолганидан фойдаланиб, фирибгарлик йўли билан бойлик орттиришни мақсад қилиб, ўзининг олдиндан ўйланган режаси асосида, 2023 йил апрель ойининг бошларида Ангор тумани “Илғор” маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Ч.М..нинг ишончига кириб, ундан томорқасида етиштирган карам қишлоқ хўжалиги махсулотларини жами 6.326.000 сўмга келишиб насияга олиб, ундан олган карам махсулотларини Россия Федерациясига олиб бориб юқори нархларда сотиб, пулларини 2023 йил 25 май кунига қадар беришлигини айтиб, фуқаро М.Чориевдан олган карам махсулотарини тўлиқ сотиб даромад кўрган бўлса-да, унга келишилган пулларини бермасдан ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Ф.С.. жиноий ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилмасдан қолганидан фойдаланиб, фирибгарлик йўли билан бойлик орттиришни мақсад қилиб, ўзининг олдиндан ўйланган режаси асосида, 2023 йил апрель ойининг бошларда Ангор тумани “Баҳор” маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Б.Б.нинг ишончига кириб, ундан томорқасида етиштирган карам ва лавлаги қишлоқ хўжалиги махсулотларини жами 1.552.000 сўмга келишиб насия олиб, ундан олган карам ва лавлаги махсулотларини Россия Федерациясига олиб бориб юқори нархларда сотиб, пулларини 2023 йил 25 май кунига қадар беришлигини айтиб, фуқаро Б.Б.дан олган поллиз махсулотларини тўлиқ сотиб, даромад кўрган бўлса-да, унга келишилган пулларини бермасдан ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Ф.С.. жиноий ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилмасдан қолганидан фойдаланиб, фирибгарлик йўли билан бойлик орттиришни мақсад қилиб, ўзининг олдиндан ўйланган режаси асосида, 2023 йил апрель ойининг бошларида Ангор тумани “Илғор” маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Т.Б.нинг ишончига кириб, ундан томорқасида етиштирган карам қишлоқ хўжалиги махсулотларини жами 2.646.000 сўмга келишиб насия олиб, ундан олган карам махсулотларини Россия Федерациясига олиб бориб юқори нархларда сотиб, пулларини 2023 йил 25 май кунига қадар беришлигини айтиб, фуқаро Б.Т.дан олган карам махсулотарини тўлиқ сотган бўлса-да, унга келишилган пулларини бермасдан ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Ф.С.. жиноий ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилмай қолганидан фойдаланиб, фирибгарлик йўли билан бойлик орттиришни мақсад қилиб, ўзининг олдиндан ўйланган режаси асосида, 2023 йил апрель ойининг бошларида Ангор тумани “Илғор” маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Х.Х. нинг ишончига кириб, ундан томорқасида етиштирган карам қишлоқ хўжалиги махсулотларини жами 1.080.000 сўмга келишиб насияга олиб, ундан олган карам махсулотларини Россия Федерациясига олиб бориб юқори нархларда сотиб, пулларини 2023 йил 25 май кунига қадар беришлигини айтиб, фуқаро Х.Х.дан олган поллиз



махсулотларини тўлиқ сотиб, фойда кўрган бўлса-да, унга келишилган пулларини бермасдан ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Ф.С.. жиний ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилмасдан қолганидан фойдаланиб, фирибгарлик йўли билан бойлик орттиришни мақсад қилиб, ўзининг олдиндан ўйланган режаси асосида, 2023 йил апрель ойининг бошларида Ангор тумани “Илғор” маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Ш.С. нинг ишончига кириб, ундан томорқасида етиштирган қарам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жами 14.301.000 сўмга келишиб насиё олиб, ундан олган қарам маҳсулотларини Россия Федерациясига олиб бориб юқори нархларда сотиб, пулларини 2023 йил 25 май кунига қадар беришлигини айтиб, фуқаро С.Ш. дан олган полиз маҳсулотларини тўлиқ сотиб, фойда кўрган бўлса-да, унга келишилган пулларини бермасдан ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Ф.С.. жиний ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилмасдан қолганидан фойдаланиб, фирибгарлик йўли билан бойлик орттиришни мақсад қилиб, ўзининг олдиндан ўйланган режаси асосида, 2023 йил апрель ойининг бошларида Ангор тумани “Баҳор” маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Ҳ.Б.нинг ишончига кириб, ундан томорқасида етиштирган қарам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жами 2.100.000 сўмга келишиб насиё олиб, ундан олган қарам маҳсулотларини Россия Федерациясига олиб бориб юқори нархларда сотиб, пулларини 2023 йил 25 май кунига қадар беришлигини айтиб, фуқаро Б.Ҳ.дан олган полиз маҳсулотларини тўлиқ сотиб фойда кўрган бўлса-да, унга келишилган пулларини бермасдан ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Ф.С.. жиний ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилмасдан қолганидан фойдаланиб, фирибгарлик йўли билан бойлик орттиришни мақсад қилиб, ўзининг олдиндан ўйланган режаси асосида, 2023 йил апрель ойининг бошларда Ангор тумани “Илғор” маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Т.З.нинг ишончига кириб, ундан томорқасида етиштирган қарам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жами 2.584.000 сўмга келишиб насиё олиб, ундан олган қарам маҳсулотларини Россия Федерациясига олиб бориб юқори нархларда сотиб, пулларини 2023 йил 25 май кунига қадар беришлигини айтиб, фуқаро З.Т.дан олган қарам маҳсулотларини тўлиқ сотган бўлса-да, унга келишилган пулларини бермасдан ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Ф.С.. жиний ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилмасдан қолганидан фойдаланиб, фирибгарлик йўли билан бойлик орттиришни мақсад қилиб, ўзининг олдиндан ўйланган режаси асосида, 2023 йил апрель ойининг бошларида Ангор тумани “Илғор” маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Ш.Ў.нинг ишончига кириб, ундан томорқасида етиштирган қарам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жами 8.521.000 сўмга келишиб насиё олиб, ундан олган қарам маҳсулотларини Россия Федерациясига олиб бориб юқори нархларда сотиб, пулларини 2023 йил 25 май кунига қадар беришлигини айтиб, фуқаро Ў.Ш.дан олган полиз



махсулотларини тўлиқ сотиб, фойда кўрган бўлса-да, унга келишилган пулларини бермасдан ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Ф.С.. жиноий ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилмасдан қолганидан фойдаланиб, фирибгарлик йўли билан бойлик орттиришни мақсад қилиб, ўзининг олдиндан ўйланган режаси асосида, 2023 йил апрель ойининг бошларида Ангор тумани “Баҳор” маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро А.Ж.нинг ишончига кириб, ундан томорқасида етиштирган карам қишлоқ хўжалиги махсулотларини жами 2.038.000 сўмга келишиб насия олиб, ундан олган карам махсулотларини Россия Федерациясига олиб бориб юқори нархларда сотиб, пулларини 2023 йил 25 май кунига қадар беришлигини айтиб, фуқаро Ж.А.дан олган полиз махсулотларини тўлиқ сотиб, фойда кўрган бўлса-да, унга келишилган пулларини бермасдан ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Ф.С.. жиноий ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилмасдан қолганидан фойдаланиб, фирибгарлик йўли билан бойлик орттиришни мақсад қилиб, ўзининг олдиндан ўйланган режаси асосида, 2023 йил апрель ойининг бошларида Ангор тумани “Баҳор” маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Н.С.нинг ишончига кириб, ундан томорқасида етиштирган карам қишлоқ хўжалиги махсулотларини жами 5.349.000 сўмга келишиб насия олиб, ундан олган карам махсулотларини Россия Федерациясига олиб бориб юқори нархларда сотиб, пулларини 2023 йил 25 май кунига қадар беришлигини айтиб, фуқаро С.Н. дан олган полиз махсулотларини тўлиқ сотиб, фойда кўрган бўлса-да, унга келишилган пулларини бермасдан ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Ф.С.. жиноий ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилмасдан қолганидан фойдаланиб, фирибгарлик йўли билан бойлик орттиришни мақсад қилиб, ўзининг олдиндан ўйланган режаси асосида, Ангор тумани “Баҳор” маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Ш.Ғ.нинг ишончига кириб, 2023 йил апрель ойининг бошларида у истиқомат қилувчи уйга келиб, Ангор туманида истиқомат қилувчи фуқаролардан полиз махсулотларини сотиб олишлигини айтиб, унинг яшаш уйига юк автомашинаси олиб келиб, унга полиз махсулотларини Россия Федерациясига олиб бориб сотгандан сўнг пулларини беришликни ваъда қилиб, юк автомашинаси юк ортишлик учун ишлатиладиган жами 6.040.000 сўмлик река, қоғоз ва полиз махсулот солинадиган ҳалталар, полиз махсулотларини юклаб беришлик учун ишчиларнинг жами 16.000.000 сўмлик иш ҳақлари ҳамда у томорқасида етиштирган 3.204.000 сўмлик полиз махсулоти пулларини ҳамда у билан 2023 йил март ойининг ўрталарида шерикчилик асосида эккан қовунларини жами 59.078.000 сўмга ўзаро келишиб, қишлоқ хўжалиги полиз махсулотларини Россия Федерациясига олиб бориб сотгандан сўнг Ғ.Ш. билан келишилган полиз махсулотларини юк автомашинасига фойдаланган река, қоғоз ва полиз махсулот солинадиган ҳалталар, юк ортиш хизмат пулларини ҳамда ундан олган полиз махсулоти пулларини беришликни ваъда қилиб, у Ғ.Ш.дан олган полиз махсулотларини



сотиб даромад кўрган бўлса-да, Ғ.Ш.га келишилган пулларни бермасдан ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Ф.С.. жиноий ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилмасдан қолганидан фойдаланиб, фирибгарлик йўли билан бойлик орттиришни мақсад қилиб, ўзининг олдиндан ўйланган режаси асосида, Ангор тумани “Илғор” маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро М.Т.нинг ишончига кириб, 2023 йил март ойининг ўрталарида Т.М.га у ишловчи “Шамшодбек-Имронбек” фермер хўжалиги даласига тенг шерикчилик асосида қовун экишликни, қовун пишиб етилгандан сўнг қовундан тушган даромадларнинг 30 фоизини унга беришлигини ваъда қилиб, 2023 йил май ойининг охирларида ушбу қовунларни Россия Федерациясига олиб бориб сотиб, даромад қилган бўлса-да, Т.М.. билан келишилган 33.834.000 сўм пулларни бермасдан ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Судланган Ф.С.. шикоятда, етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берганлиги, тайинланган жаримани тўлашга имконияти етмаслиги сабабли жазодан озод қилишни қилишни сўраган.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья К.Назаровнинг маърузасини, прокурор М.Чориевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш, адвокат М.Ачилдиевнинг шикоятни қаноатлантириб, енгилроқ жазо тайинлаш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятни жиноят иши билан бирга ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз, келтирилган шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Судланган Ф.С..нинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликдаги айби, жабрланувчилар С.Ш, У.М, Ғ.А, М.Ч, Б.Б, Б.Ҳ, З.Т, Б.Т, Х.Х, С.Н, А.Х, А.Жва Ғ.Ш.нинг аризалари, сўроқ баённомалари ва судда берган кўрсатувлари, судланувчи Ф.С..нинг тилхати ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан тўлиқ исботланган.

Суд иш ҳолатларини тўғри аниқлаб, судланган Ф.С..нинг айблилиги ҳақида асосли хулосага келган.

Биринчи босқич суди, етказилган моддий зарар масаласини муҳокама қилиб судланувчи Ф.С..дан жабрланувчи А.Х., М.Ч, Б.Б, Ғ.А., Б.Т, Х.Х, С.Ш, Б.Ҳ, А.Ж, З.Т, Ў.Ш, Ж.А, Ғ.Ш., С.Н ва Т.М..ларга етказилган моддий зарарлар қопланганлиги қайд этиб қонуний тўхтамга келган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-қисмида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий ҳарфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;



ЖКнинг 42-моддасида жазо маҳкуми ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;

ушбу Кодекснинг 54-моддаси 2-қисмида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахни ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги қайд қилинган.

Биринчи босқич суди судланган Ф.С..нинг жиноий ҳаракатини тўғри квалификация қилиб, унга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, юқоридаги қонун талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандидаги, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларига риоя этган ҳолда, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, етказилган зарарни қоплаб берилгани сабабли айбланган модда санкцияси доирасида жарима жазоси тайинлаб, қонуний ва адолатли тўхтамга келган.

Шу сабабли судлов ҳайъати суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 482-484, 498, 509⁷, 509⁹, 509¹⁰, 509¹⁴-моддаларига асосланиб, судлов ҳайъати

а ж р и м қ и л д и:

С.Ф.С.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Ангор туман судининг 2024 йил 18 январдаги ҳукми ўзгаришсиз, шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи:	имзо	И.Абраев
Ҳайъат судьялари:	имзо	М.Маликов
	имзо	К.Назаров
<i>Аслига тўғри</i>		<i>К.Назаров</i>

